

## Фикҳ дарслари (119-дарс). Махси ва тахтакачга масҳ тортиш ва синдирувчилари (тўртинчи мақола)



13:00 / 14.01.2021 4053

Тахтакачга масҳ тортиш шариатга киритилишига далил:

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَصِ لَلِ لُوسَرَ لِقَ : لِقُ هُنَّ عُلُ لَلِ لِي ضَرَّ رِبَاجُ نَع  
وَحُرُجُ لَعْلَلِ - سَومُ كَش - بَصْعِي وَأَرْصَعِي وَمَمِي تِي نَأْ هِي فَكِي نَأْ كِ أَمَّنْ  
دُوَادُ وَبَأُوبَ دَرَفْنَا ، وَدَسَجَ رِئَاسَ لَسْعِي وَهِيَ لَعْلَلِ حَسْمِي مُثَّ قَرْحَ

*Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Унга фақатгина таяммум қилиши, жароҳатга латта боғлаши, сўнгра унинг устидан масҳ тортиши ва баданининг қолганини ювиши кифоя**

## **қилар эди», дедилар».**

*Абу Довуд ривоят қилган.*

Демак, жароҳатли одам ғусл ва таҳорат пайтида жароҳатига сув теккизмаса жоиз. Агар жароҳатни боғлаб олган бўлса, ўша боғланган латта устидан масҳ тортишнинг ўзи кифоя қилади. Жароҳати йўқ аъзоларини ювади.

## **Тахтакач тушиб кетса, ҳечқиси йўқ.**

Бемор одамга қўйилган тахтакач ёки унинг ўрнидаги нарса у намоз ўқиётган вақтда тушиб кетса, ҳеч нарса бўлмагандек, намозини давом эттираверади. Агар намоздан ташқарида тушса, ўрнига қайтариб қўяди ёки бошқасини қўяди.

Аммо тузалиб тушса, бундан мустасно.

Яъни тахтакач жароҳат тузалган пайтда тушса-ю, у намозда бўлса, намозини янгидан бошлаб ўқийди. Намоздан ташқарида бўлса, тўлиқ таҳорат қилмасдан, фақат тушиб кетган нарсанинг ўрнини ювиб қўяди.

Оёқни тўсиб турувчи нарсадан бошқа фақат тахтакачгагина масҳ тортилади.

Яъни махси ва унинг ҳукмида бўлган юқорида айтиб ўтилган оёқ кийимларидан бошқа дўппи, салла, телпак, қўлқоп, чопон каби нарсаларга масҳ тортиб бўлмайди.

Масҳнинг муддати бетаҳоратлик етганидан бошлаб муқимга бир кечаю бир кундуз. Мусофирга уч кечаю, уч кундуз.

Бу ҳукмни фуқаҳоларимиз қуйидаги ҳадиси шарифлардан олганлар:

لَعَلَّ عَجَسَ مَلَأَ نَعَاةَ شَائِعُ تَلَّ أَسْ؛ لَأَقُ هُنَّ عُلَّ لَلَّ يَضَرَّ إِئِنَّ هُنَّ بَخَّيْرُ شُ نَّ عَ  
عَمُ رُفَّ أَسُّي نَاكُ هُنَّ إِفُّ هُنَّ لَسَفِّ بِلَاطِ يَبَّأُنَّ بَابُ كَيْ لَعَلَّ عُلَّ؛ تَلَّ أَقُ فُّ نُّيْفُ خُلَّ لَلَّ  
هَلَّ لَلَّ لُؤْسَرَّ لَعَلَّ جُّ؛ لَأَقُ فُّ هُنَّ أَنْ لَسَفِّ مَلَّ سَوَّ هُنَّ لَعَلَّ لَلَّ لَلَّ لُؤْسَرَّ  
هَلَّ لَلَّ لُؤْمُ وَيَّ وَرَفَّ أَسُّ مَلَّ لَلَّ نُّ هُنَّ لَ أَيْ لَوَّ مَّ أَيُّ أُمَّةً لَثَّ مَلَّ سَوَّ هُنَّ لَعَلَّ لَلَّ لَلَّ لُؤْمُ  
يُّ هُنَّ أَسُّ نَلَّ أَوُّ مَلَّ سُمُّ هَوَّ رُ مَّ يُّ قُ مَلَّ لَلَّ

*Шурайх ибн Ҳонеъ розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

**«Оишадан махсига масҳ тортиш ҳақида сўрадим. У киши:**

**«Сен Ибн Абу Толибдан сўра, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафар қилар эди», деди. Ундан сўраган эдик:**

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусофир учун уч кечаю уч кундуз, муқим учун бир кечаю бир кундуз қилганлар», деди».**

*Муслим ва Насоий ривоят қилишган.*

Муқим одам бир кечаю бир кундуз махсига масҳ тортиши мумкин. У муддат ўтгандан кейин эса, агар таҳорати синмаган бўлса, махсини ечиб, оёғини ювиши шарт.

Мусофир одам эса уч кечаю уч кундуз махсисига масҳ тортиб юраверса бўлади. У муддатдан ўтиб кетса, мусофир ҳам махсисини ечиб, оёғини ювиши лозим.

مَسَّ سَوَّيْلَهُ لَلَّيَّ صَبَّ نَلَا نَعُ هُنَّ لَلَّيَّ صَرَّتْ بَاثْنَبَ مَيْزُخْ نَعُ  
عَلَيْهِ لَوُ مَوِي. مَيْ قُمْ لَوُ وَثَالَتْ رِفَاسُ مُمْ لَلَّيَّ فُخْلَ لَعُ حُسَمَ لَلَّيَّ لَاقُ  
يَذْمُرَّتْ لَوُ دَوَادُ وَبَأُ هَاوَرُ

*Хузайма ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Махсига масҳ тортиш мусофир учун уч кун, муқим учун бир куну бир кеча», дедилар».**

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.*

*(Давоми бор)*

*«Кифоя» китобининг биринчи жузидан*